

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҒАЛЛАНИ ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА БОЗОР ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, ички бозорни бугдой ва ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ғаллани давлат эҳтиёжлари учун зарур ҳажмдан ортиқ харид қилишдан воз кечиш орқали соҳанинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2022 йил ҳосилидан суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 2,5 тоннадан жами 2 550 минг тонна бугдойнинг:

1 783,5 минг тоннасини товар бугдой давлат ресурси сифатида ҳамда 266,5 минг тоннасини уруғлик учун Молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан харид қилиш;

500 минг тоннасини фермер хўжаликлари ҳамда бошқа ғалла етиштирувчилар (кейинги ўринларда – бугдой етиштирувчилар) томонидан кейинчалик биржа савдоларида сотиш учун Жамғарманинг тижорат вакилида вақтинчалик сақлашга қабул қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил ҳосили учун:

а) "Ўздонмаҳсулот" АК тизимидаги корхоналар товар бугдойни Жамғарма номидан бугдой етиштирувчилардан сотиб олиш, сақлаш, шунингдек, хариддорларга жўнатиш тадбирларини амалга ошириш бўйича тижорат вакили ҳисобланади;

б) давлат ресурсларига харид қилинган товар бугдой учун тўловлар бугдой етиштирувчиларга тижорат вакили томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйидаги босқичларда амалда оширилади:

дастлабки босқичда – Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган нархларда;

кейинги босқичда – биржада шаклланган ўртача нархдан (ўртача котировкадан) келиб чиқиб, бугдой етиштирувчилар билан тўлиқ қайта ҳисоб-китоб қилинади;

в) бугдой етиштирувчилардан тижорат вакилида вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинган товар бугдой 2022 йилнинг июль-август ойларида биржа савдолари орқали сотилади. Бунда:

бугдойни ташитиш (шу жумладан, ички ташитиш), қабул қилиш, сақлаш ва хариддорларга жўнатиш харажатлари тижорат вакили ва бугдой етиштирувчилар ўртасида тузилган шартнома шартларидан келиб чиқиб, Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади;

бугдойни қабул қилиш, сақлаш ва хариддорларга жўнатиш жараёнида юзага келадиган табиий камайиш миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартиб асосида ҳисобдан чиқарилади;

бугдойнинг сифати ва сақланиши бўйича назорат Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агроекономика мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилинган ва бугдой етиштирувчилардан вақтинчалик сақлаш учун қабул қилинган:

3 ва ундан юқори синфлардаги бугдой – мулкчилик шаклидан қатъи назар, биржадан харид қилинган бугдойнинг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги урни биржа савдолари орқали сотиш мажбуриятини олган, ун ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига;

4- ва 5-синфлардаги бугдой – барча тадбиркорлик субъектларига Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган график асосида биржа савдолари орқали ҳеч қандай чекловларсиз сотилади.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Бугун – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Бутун дунё бўйлаб ҳар йили 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу кунда дунёнинг кўп мамлакатларида келажак ворислари учун турли-туман маданий-оммавий тадбирлар, спорт мусобақалари, кувноқ учрашувлар, концерт дастурлари ташкил этилади. Болалар ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш ҳақида давра суҳбатлари, мунозаралар ўтказилади.

4 ▶

Хабарингиз бор, ҳафта-нинг ҳар шанба куни Ўрта Чирчиқ туманининг "Қумовул" ҳудудидаги вилоят Халқ қабулхонасида Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан тадбиркор ва экспортёрларнинг соҳадаги мавжуд муаммоларини бартараф этиш, таклифларини ўрганиш юзасидан очик мулоқот ўтказиб келинмоқда.



Мурожаат ва ечим

Навбатдаги очик мулоқот ҳам тадбиркорларнинг мурожаатларини тинглаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилди.

Унда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев бошчилигидаги сектор раҳбарлари, мутасаддилар, шунингдек, мазкур масалага бевосита

алоқадор ташкилот ва идоралар раҳбарлари иштирок этиб, тадбиркор ва экспортёрларни ўйлантираётган масалаларга ечим излашди.

Муносабат

Кичик саноат зоналари:


ЎМТИЁЗ ВА ЎМКОҶИЯТлар МАЙДОНИ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 26 май куни Президентимиз раислигида ҳудудларда маҳсул иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

2 ▶

ОКМК делегацияси ЕВРОПАДА

Ҳамкорлик



Яқинда Вена шаҳрида бўлиб ўтган "EuroMoney 2022" – Марказий ва шарқий Европа форумида Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди. Делегация таркибида "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти вакиллари ҳам бор.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ЧИНОЗ туманида иш бошлаган "Агротармоқ" томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кластерлар, аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигининг барча бўғинларига хизмат кўрсатади.



ЯНГИЙЎЛ шаҳрида Татар миллий-маданий маркази ташкил этилганнинг 20 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Тадбирда марказ аъзолари миллий қадриятлари акс этган куй-қўшиқ ҳамда рақслари билан йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.



Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари **ОҶАНГАРОН шаҳар** тиббиёт бирлашмасида бўлишди. Шу куни маҳаллий аҳоли учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди.



ЗАНГИОТА туманида ДХХ туман бўлими, туман прокуратураси, ИИБ ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги масъуллари "Мен – донорман!" акциясида иштирок этишди. Акцияда қатнашган ёшлар етакчилари ҳамда ҳоким ёрдамчилари Республика ихтисослаштирилган Гематология марказида даволанаётган 252 нафар беморга 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан совғалар улашди.



ҚУЙИ ЧИРЧИҚ туманида Республика ихтисослаштирилган аллергология маркази раҳбари, профессор Илмира Разикова ва марказ мутахассислари иштирокида "Инсон қадрини унун!" шиори остида семинар тренинг бўлиб ўтди. Унда 186 нафар тиббиёт ходимлари қатнашди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҒАЛЛАНИ ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА БОЗОР ТАМОЙИЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг маффаатдор вазирлиги ва идоралар билан келишилган таклифи асосида мазкур бандда назарда тутилган тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги 2023 йил 1 майга қадар Вазирлар Маҳкамасига мазкур бандда назарда тутилган тартибни 2023 йил ҳосили учун сақлаб қолиш ёки биржа савдоларини чекловларсиз ташкил этиш юзасидан таклиф киритсин.

4. Молия вазирлиги "Ўздонмахсулот" АК тизимидаги корхоналарга биржадан бугдой сотиб олиш учун револьвер кредитларни молиялаштириш мақсадида Жамғарма маблағлари ҳисобидан 800 миллиард сўмгача тижорат банкларига Марказий банкнинг асосий ставкасида ресурс жойлаштирилишини таъминласин.

5. Адлия вазирлиги маффаатдор вазирлиги ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда бугдой етиштирувчилар томонидан етиштирилган бугдойни харид қилиш, вақтинчалик сақлашга қабул қилиш бўйича Жамғарма ва тижорат вакили ўртасида тузиладиган шартномаларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ҳамда амалиётга жорий этилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг олис, бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларга ун ва ун маҳсулотларини етказиб бериш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоиздан ошмаган қисмини маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

7. Жамғарма томонидан харид қилинадиган ва биржа савдолари орқали сотиладиган бугдойнинг ҳисобини юритиш, хариддорлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штат бирикларини қисқартириш ҳисобига Жамғармага қўшимча 6 та штат бириги ажратилсин.

8. Ғаллани сотиб олиш ва сотишда янги тизим шаффофлиги, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини ҳамда бугдой етиштирувчилар маффаатдорлигини таъминлаш, ички бозорда ун ва дон маҳсулотлари нархининг ўсиши ва тақчиллигининг олдини олиш бўйича Республика штаби иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Куйидагилар Республика штабининг (Н. Йўлдошев) асосий вазифалари этиб белгилансин:

бугдойни етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш ва бошоқли дон экинлари етиштирилишини молиялаштириш устидан назорат механизмининг тақомиллаштириш бўйича таклиф тайёрлаш;

ғаллани ўз вақтида йиғиштириб олиш, даладан дон қабул қилиш шохобчаларига нест-нобуд қилмасдан олиб келиш ва график асосида биржа савдоларига чиқариш ишларини ташкил этиш;

тақчилликка йўл қўймаслик ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги истеъмол талаби учун зарур ҳудудлар ун ва ун маҳсулотларини республиканинг бошқа ҳудудларидан ва четдан олиб келиш ҳамда "Ўздонмахсулот" АК тизимидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари сақлаб қолинишини назорат қилиш;

ғаллани тасдиқланган график асосида биржа савдоларига чиқариш ҳамда тўловларнинг амалга оширилиши устидан кунлик назорат ўрнатиш;

ғаллани сотиб олиш ва сотиш бўйича янги тизим

шаффофлиги, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини ҳамда бугдой етиштирувчилар маффаатдорлигини таъминлаш.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва "Ўздонмахсулот" АК маффаатдор вазирлиги ҳамда идоралар билан биргаликда уч ой муддатда донни қабул қилиш ва омондорлардан чиқариш жараёни, шунингдек, Жамғарма, тижорат вакили ва бугдой етиштирувчилар ўртасидаги молиявий ҳисоб-китоблар тезкор ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш мақсадида d-xarid.uz ахборот тизимини ишга туширсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини назарда тутувчи қарорни ишлаб чиқсин.

11. Молия вазирлиги икки ой муддатда маффаатдор вазирлиги ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб, қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ж. Ходжаев, молия вазирлиги Т. Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж. А. Кўчқоров ва Ш. М. Фанониев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 28 май



Йиғилишда жорий йилнинг ўзида 2 мингта лойиҳани амалга ошириш, 110 мингта янги иш ўрни яратиш ва 1 млрд. доллар қўшимча экспортни таъминлаш учун имкониятлар борлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, ўтган беш йилда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик sanoat зонаси ташкил этилиб, уларда 10 трлн. сўмлик мингдан ортиқ лойиҳа ишга туширилди.

Натижада 100 мингта иш ўрни яратилиб, йилга қўшимча 45 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди.

Саноат зоналаридаги корхоналар йилига 750 млн. долларлик экспорт ва 1 трлн. сўмдан зиёд солиқ тушумларини таъминламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятига 2018 йилги ташрифи давомида Янгийўл шаҳрида бўш турган объектлар негизда яна иккита кичик sanoat зоналари ташкил этиш топшириги берилган эди.

Бугунги кунга келиб, кичик sanoat зоналарида 31 та лойиҳа жойлаштирилди, шундан 15 таси ишга тушди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотларининг йиллик ҳажми 200 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этмоқда. Маҳсулотлар ҳажми эса 2 млн. долларга етмоқда.

Шу кунгача учта кичик sanoat зоналарининг инфра-тузилмасини шакллантириш учун жами 3 млрд. сўм пул маблағи ажратилди. Ушбу маблағ икки йил ичида 6,2 млрд. сўмга кўпайиб, солиқ ва бошқа тўловлар кўринишида бюджетга қайтарилди.

Масалан, "2503" кичик sanoat зонасида "VELLTEX" МЧЖ томонидан текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга тушиши натижасида 102 та иш ўрни яратилди ва шу кунга қадар 2 (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

млн. АҚШ долларилек маҳсулотлар Россия, Украина давлатларига экспорт қилинди.

Ҳозирда кичик sanoat зоналарида амалга оширилаётган 15 та лойиҳа бор. Улардан 6 таси йил якунига қадар ишга тушади.

Кўпайиб келган инвестиция ҳажми 625,1 млрд. сўмни (хорижий инвестициялар 48 млн. АҚШ доллари. Булар – Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, БАА), яратилган иш ўрни 1 минг 300 тани ташкил этади.

"Янги сифат" кичик sanoat зонасида эса 4,6 млн. АҚШ доллари миқдорда хорижий инвестиция киритиш ҳисобига "ALUKABEL PAYRAY" МЧЖ томонидан кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиб, 60 нафар иш ўрни яратилди (ҳозирги кунда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, хориждан келтирилган асбоб-ускуналар монтаж қилинмоқда).

2017 йилда 367 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, кичик sanoat зоналари ташкил этилган кундан 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич 724 млрд. сўмни ташкил этди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотларининг йиллик ҳажми 200 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этмоқда. Маҳсулотлар ҳажми эса 2 млн. долларга етмоқда.

Шу кунгача учта кичик sanoat зоналарининг инфра-тузилмасини шакллантириш учун жами 3 млрд. сўм пул маблағи ажратилди. Ушбу маблағ икки йил ичида 6,2 млрд. сўмга кўпайиб, солиқ ва бошқа тўловлар кўринишида бюджетга қайтарилди.

Масалан, "2503" кичик sanoat зонасида "VELLTEX" МЧЖ томонидан текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга тушиши натижасида 102 та иш ўрни яратилди ва шу кунга қадар 2 (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Муҳтасар айтганда, мулоқотда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар, ҳаётбахш таклифларни Янгийўл шаҳри мисолида бекаму кўст рўёбга чиқариш учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

Фарҳод МИРЗАЕВ, Янгийўл шаҳар ҳокими

ОКМК ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЕВРОПАДА

Маълумот учун, Марказий ва шарқий Европа форуми ушбу минтақага қизиққан молия бозори иштирокчилари ва инвесторлар учун энг муҳим йиғилиш платформаси ҳисобланади. Форум дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрган 1 минг 200 га яқин делегатлар, 600 дан ортиқ халқаро банклар, инвесторлар ва компаниялар ҳамда 100 дан ортиқ спикерлар иштирокидаги панел сессиялар, муҳокамалар, тақдиротларни ўз ичига олди.

Шунингдек, 12 та турли фондлар, банклар ва консалтинг компаниялар вакиллари билан учрашувларда ҳамда панел муҳокамаларида комбинат раҳбарияти томонидан ОКМКнинг молиявий ҳолати ва режалари бўйича маълумот берилди. Халқаро инвесторлар комбинат билан ҳамкорликни жуда истиқболли деб топди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



– Халқаро капитални ўзимизга жалб қилган ҳолда инвестицион лойиҳамизни жадаллаштириш мақсадида, биринчи навбатда молиявий натижаларимизни яхшилаб, ЭСГ-аудитни амалга ошириш, ИПОга чиқиш ва Евробондни чоп этишни режалаштирганмиз, – дейди ОКМК бошқаруви раисининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари Абдулла Азизов.

Учрашувлар давомида халқаро инвесторларга Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий барқарорликни таъмин-

ЎЗА



Тиббиёт ТАШХИС АНИҚ – ШИФО МУКАММАЛ



Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалида бир неча йиллардан буён аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Филиал 150 ўриндан иборат бўлиб, шундан 24 таси реанимацион койкалар ҳисобланади.

Мазкур тиббиёт муассасасида бир йилда 2 минг 200 дан зиёд мураккаб жароҳли амалиётлари ўтказилади. Клиникада 98 нафар шифокор, 459 нафар ҳамшира беморларнинг дардини енгиллаштириш учун туну кун хизматда. Шифокорларнинг 1 нафари тиббиёт фанлари доктори, 4 нафари тиббиёт фанлари номзоди илмий даражаларига эга.

Хизмат кўрсатиш сифати ва технологик салоҳиятини янада ошириш мақсадида филиал йилдан-йилга замонавий тиббий ускуналар билан таъминланмоқда.

Кўни кеча муассаса тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи MINDRAY компанияси ҳамда "Медико-инновацион технологиялар" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида қиймати 1 миллиард 200 миллион сўм бўлган янги, инновацион тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Эндиликда марказда

бош мия жароҳатидан тортиб, қорин бўшлиғи ҳамда кўкрак қафасида ўтказилиши лозим бўлган юқори технологик жароҳли амалиётлари амалга ошириш, шунингдек, жароҳли амалиётдан чиқарилган беморларнинг саломатлигини таъминлаш ва мониторинг қилиш имконияти янада кенгайди.

Яъни, замонавий техникалар беморларни парварош қилишнинг сифати ва самардорлигини оширишга, интенсив терапия бўйича барча маълумотларни бирлаштириш орқали асоратлар хавфини камайтиришга, оғир шароитларда беморларнинг самарали мониторингини таъминлаш ва барча тиббий маълумотларга тезкор киришни таъминлашда кўл келмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА /Тошкент ҳақиқати/

Пресс-тур

Кўни кеча вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Тошкент туманида Президентимизнинг фармон ва қарорлари ижросини та-

минлаш юзасидан олиб борилаётган ислохотлар билан журналист ва блогерларни таништириш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.

ларнинг айтишича, мазкур сиҳаттоҳ табиий минерал суви билан машҳур бўлиб, тез кейинги соғломлаштириш муолажалари учун мўлжалланган. Бундан ташқари, ху-

БИР КУНЛИК САФАР кўп йиллик саъй-ҳаракатлар таассуроти билан ўтди



орада янгидан таъмирланган ҳолда қайтадан ишга туширилди.

Умумий майдони 10 гектар сиҳаттоҳни айланиб чиқиш учун 8 та электромобиль келтирилган. 254 ўринли сиҳаттоҳ асосан ошқозон, юрак ва нафас йўллари касалликларини даволаш ҳамда ковиддан



да бўлган эди, – деди туман ҳокими. – Шу қисқа вақт ичида туманимизда бир неча янги бино ва иншоотлар ишга туширилди. Ушбу сиҳаттоҳ шулардан бири. Бу ерда қўшни Қозғистон ва Тожикистон давлатларидан ҳам даволанувчиларни қабул қилишни режалаштирганмиз. Ҳозирда сўнгги таъмирлаш ишлари кетяпти, тез кунда фойдаланишга топширамиз.

Навбатдаги манзил "МУАЗ" академияси бўлди. Фаолиятини бошлаганига бир ой ҳам бўлмаган мазкур ўқув марказининг асосчилари ёш оила экан. Улар давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлимининг ёрдами билан иш бошлашди.

Эътиборлиси, ўқув марказида ота-оналар назорати йўлга қўйилди. Яъни, ота-оналар фарзанди машғулотда бўлган вақтда уни тўлиқ назорат қила олади. Бир кунлик пресс-тур "Мунаввар оқшомлар" концерт дастури билан ниҳоясига етди. Туман марказида бир неча кундан бери давом этаётган бундан маданий тадбирлар аҳолининг кайфиятини кўтариб, мароқли дам олишига хизмат қилаётгани айтиш мумкин бўлди.

Пресс-тур қизиқarli учрашувлар ва янгиликларга бой бўлди. Дастурга кўра, яна бир неча объектлар билан танишдик. Улар ҳақида кейинроқ ҳикоя қиламиз.

Нозима РАСУЛОВА /Тошкент ҳақиқати/ Аброр ЭСОНОВ олан суратлар

Маънавият

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳар бир соҳа ходимларининг муомала маданиятини янада юксалтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, жамиятнинг ҳар томонлама янгилишида муомала маданиятининг ўрнини англаб яшаш ва хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг Ватан равнақи, юрт тинчлигини асраш йўлидаги муқаддас бурчидир.

ШАХСНИНГ
МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ

Маълумки, муомала тушунчаси замон ва макон танламайди. Шунингдек, сўзлаш, тинглаш ва англаш тушунчалари одамзот яралибдики, ўзаро муносабат жараёнида ана шу уч бирликка амал қилиб келинади. Бунинг намоёни бўлиши ҳар бир халқнинг ўз менталитетига мос ва хос. Ўзаро муносабат, муружаат қилиш жараёнидаги ўзини тутиш ва фикр алмашувлар муомала маданияти тушунчасида уйғунлашади.

йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш – спиртли ичимликларни ёки гиёвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин. Унга ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро майда маиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. У бошқа битимларни ҳомий-

Аслида муомала маданиятининг асоси ўзаро тушуниш ва бир-бирини англаш тўғрисида ҳисобланади. Баъзан бир замонда, бир маконда яшаймиз, бир жамоада ишлаймиз-у, лекин бир-биримизни тушунмасдан дилхиралликларга йўл қўямиз. Ҳар кимнинг феъл-атвори, савияси, диди ҳар хил бўлгани учун, ўзига яраша муомалани талаб қилади. Одамзотнинг кимлигини, маънавиятини атрофдагиларга бўлган муносабатидан англаб олиш қийин эмас. Чунки, муомала инсон ҳулқ-атворининг зийнатидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-мод-



нинг розилиги билангина тузиши, шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ, бундай фуқаро ўзи тузган



дасида фуқаронинг муомала лаёқати белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулк қилиш жавобгар бўлади. Фуқаронинг муомала лаёқати чекланмишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади. Фуқарога белгиланган ҳомийлик суд қарори асосида бекор қилинади.

Мухтасар айтганда, шахс маънавияти, муомала маданияти, муомала сирлари ва одоби масаласи замон ўзгаргани сари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этаверади.

Бу фикрлар ўғит, ҳикматгина эмас, балки қаҳирлиқ, давъат ўрнида жаранглайдиган, барча фуқароларнинг зиммасидаги масъулият ва мажбуриятдир.

Азизбек НУРИМОВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Тошкент вилояти бўлими бош мутахассиси

Алқисса

Биз катталар фарзандларимизга хамиша: «Ёлгон гапирма, бўйингага қилча келса ҳам рост гапир», деймиз, ammo ўзимиз бунга амал қилаймизми?
Тадқиқотчилар бир гуруҳ талабалар, уй бекалари ва тадбиркорларни тест сновидан ўтказишди. Натижалар шуни кўрсатдики, агар биз бирон киши билан ўн дақиқа суҳбатлашсак, шунинг 2-3 дақиқаси ёлгонга сарфланар экан. Бироқ бу ёлгонлар безарар, бировга ёмонлик келтирмайдиган ва балки кўнглини кўтариш учун ишлатиладиган манзиратлардир.

РОСТ БИЛАН ЁЛҒОННИНГ ОРАСИ ҚАНЧА?

Севишганлар нима дейишади?
Тадқиқотлар мобайнида психолог-олимлар бир гуруҳ севишганлар билан суҳбат ўтказишди. Шунда уларнинг 80 фоизи севишган инсондан ўтмишини яширган. Ўтмиши ҳақида умуман гапирмаслик севишганларга хос хусусият экан.

Эр-хотинларчи?
Маълум бўлишича, эр-хотинлар бир-бирларини иложи борича алдамасликка ҳаракат қилишар экан. Аҳил оилаларда 10 фоизгина ёлгон ишлатиларкан, холос.

Қизғини шундаки...
Одамлар беғоналарга нисбатан яқин кишиларни кўпроқ алдашади. Тадқиқотлар пайтида ҳар тўртинчи одамдан бири фақат яқинияда алдашини айтган. Масалан: «Умримда бу қадар ширин таом емгандим!» дея мулозамат қилиш ҳам (агар ўша таом аслида бемаза бўлса) ёлгон ҳисобланади.

Кўзлар – кўзгу
Бундай таъриф бежизга берилмаган. Кўзлар сўзимизга нисбатан кўпроқ маълумотни ошқор этади.

Олимлар икки суҳбатдош устида фалати тажриба ўтказишди. Суҳбат асосида ёлгончининг кўз ҳаракати, кўз қорачиги суратга олинди. Хулоса ўша-ўша: ёлгончи алдаётиб суҳбатдошининг кўзига қарамасликка уринди. Шу боис сизга ишониларини истасангиз,

сўзлаётганда кўзингизни олиб қочманг. Одамлар ерга боқиб ёки четга қараб гапирадиганларга камроқ ишонч билдиришар экан.

"Тикилиб-тикилиб қарайсан..."

Гарчи суҳбатдошининг сиздан умуман кўз узмасан-да, бу унинг сизга нисбатан самимий эканини билдирмайдми. Бундай ҳолатда суҳбатдошининг кўз қорачиги эътибор қилиш зарур. Агар у кенгайиб кетган бўлса, бу инсон сизни ёқтиради, торайган ҳолатдагиси сизни жини суймаслигини билдирди.

Товушлар ҳам сўзлайди

Овознинг қандай жаранглаши орқали ҳам ёлгончини фох этиш мумкин. Аслида ёлгончилар баланд овозда гапиряпти, шу тахлит ишонччи кучайтиришга уринишади. Аммо овознинг нотабий чиқиши ҳам ёлгончини фох этади.

Олимлар машур сийсатчи ва санъаткорлар овозини ёзиб олиб, уни экспертларга қўйиб беришди. Фақат улар овоз эгасини таниб қолмасликлари ҳамда матн мазмунини яшириш ниятида овозни тескарисига, охиридан бошлаб қўйишган. Шунда қизиқ бир ҳолат намойён бўлди. Гарчи сийсатчилар келажакка умид, ишонч, меҳр-оқибат ҳақида сўзлаган бўлсалар-да, уларнинг товуш оҳангига босим ўтказиш ва безовталиқ сезилиб турган. Санъаткорлар эса асосан санъат соҳасидаги қийинчилик ва муаммолар ҳақида сўзлашган. Аммо уларнинг овоз жарангида тинчликсеварлик, са-

мимият ва некбинлик уфуриб турган. Экспертлар овозлардаги оҳангни тинглаб сийсатчилар билан санъаткорларни жуда аниқ ажраттишган.

Хотин ўрнига... маъшуфа

«Рост сўзининг асосий белгиси оддийлик ва фикрни аниқ ифодалашдир. Ёлгон сўз мураккаб, тушунарсиз ва сербўёқ бўлади», – деган эди Толстой.

Ёлгончи суҳбатдошини асосий мавзудан чалғитиш ниятида кўп гапирди. Шу билан бирга бир фикрни икки-уч илп шаклда такрорлаб чарчамайди. Баъзи ёлгончилар алдашнинг нисбатан ишонарли усулидан фойдаланишади. Яъни, улар рост гапга ёлгон қўшиб гапиряпти. Бу ҳолатда уларни ажратиш қийинлашади.

Баъзи «бошловчи» ёлгончилар сўзларни нотўғри қўллашади, гапдан адашиб кетиб, тўхтаб қолишади. Баланд овозда гапириб, терлаб кетишади. Ғирт алдоқчилар эса килрик қоқмай аврашади. Аммо улар ҳам барибир хатога йўл қўйишади. Баъзи «шошовоз»лар хотинининг эмас севгилисининг исмини айтиб юборишади. Нутқдаги хатоликлар орқали инсон шахси, унинг ички, яширин муаммолари ва истаклари борасида кўп нарсани билиб олиш мумкин. Хулоса шуки, баъзида кишининг нима ҳақида гапиряётганидан кўра, қандай сўзлаётгани мумин.

Мавлуда ИБРОҲИМОВА таяёрлади



– Президентимиз ташаббуси билан от спортини ҳамда замонавий бешкурраш ва поло спорт турларини аҳоли ўртасида кенг оммалаштириш, иктидорли ёшларни танлаш, саралаб олиш ва профессионал ражада тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадида қатор ишлар қилинмоқда, – деди Зойир Мирзаев. – Хусусан, бу каби мусобақалар от спортини билан шугулланувчиларни бошқа спортчилар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш,

халқаро талаб ва стандартлар асосида мутахассисларни тайёрлаш, соҳада яхши натижаларни қўлга киритишга қўмаклашишга қаратилган. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, юртимиздаги от кўлайтириш ва уни парвариш билан шугулланаётган 60 дан зиёд тадбиркорларнинг 20 дан ортиги Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келади.

Мусобақада доирасида, Тошкент вилояти, Қозоғистон, Тожикистон давлатларида парваришланган Ахал-

ОТ СПОРТИ:
МАРДЛИК, ШИЖОАТ ВА
БАРКАМОЛЛИК МЕЗОНИ

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим" от заводига қарашли отчопарда "Шарқ марвариди" шиори остида Осие чемпиони ўтказилди.

Мусобақада 10 дан ортиқ давлатлардан 200 га яқин отлар иштирок этди. Пойга отларнинг ёшидан келиб чиқиб, мингдан 2 минг 400 метргача бўлган масофада ташкил этилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев иштирок этди.

така ва тоза қонли инглиз зотли отлар кўргазмаси ва аукцион савдоси ҳам ташкил этилди.

Қайд этиш жоизки, мазкур от заводи 1992 йил ташкил этилган бўлиб, майдони 140 гектардан ортиқ. Завод қадимий от зотлари, жумладан, Ахалтака тулпорларини кўпайтириш ва парвариш-лашга ихтисослаштирилган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Ахалтака зотли отлар бундан беш минг йил муқаддам пайдо бўлган. Осие халқларининг

эзма манбаларида улар само тулпорлари, аргумоқ, учқур айғирлар, дея таърифланган. Тошбитиклар, қояларда сақланиб қолган суратларнинг гувоҳлик беришича, Ахалтака аргумоқлари қадимда ҳозирги Фарғона водийси, Хоразм вилояти худудларида учраган.

Бугунги кунда "Ўзбегим" от заводида 300 га яқин зотли аргумоқлар парваришланмоқда. Улар орасида Ахалтакадан ташқари, инглиз ва араб зотли отлар ҳам бор.

Яхши хабар



Қйрайлик Мафтунга
Ғолиблар сафида

Бразилиянинг Кашиас ду Сул штатида ташкил этилган Сурдоолимпиада (Дефлимпиада) ўз нихоисига етди.

Ёзги XXIV Дефлимпиадада дунёнинг 100 та давлатидан ташриф буюрган 3 минг 500 нафар вакиллар спортнинг 21 тури бўйича медаллар учун курашишди.

Юртимиз шарафини ҳимоя қилган Қйрай туманининг "Обод" маҳалласида истиқомат қилувчи Мафтуннахон Абдиусупова тхэквондо бўйича яққилик баҳсларида бронза медалини қўлга киритди.

Абитуриент-2022

БУ ЙИЛГИ ЎЗГАРИШЛАР
ҲАҚИДА ЭШИТДИНГИЗМИ?

2022 йилда абитуриентлар учун тест топширишдаги ўзгариш ва англиклар ҳақида Давлат тест маркази қуйидаги маълумотларни берди:

1. Олдинги йилги қабулда мутахассислик блокдаги 2 та фанга тенг – 3,1 баллдан берилган эди. Бу йил эса шу 2 та фан муҳимлигига қараб даражаланади. Масалан, математика йўналиши учун 1-фан математика (ҳар тўғри жавобга 3,1 баллдан), 2-фан эса физика (ҳар тўғри жавобга 2,1 баллдан) бўлади.

2. Мутахассислик фанларининг даражаланиши абитуриентларнинг 5 та йўналиш танлаш имконига ҳам таъсир қилади. Энди абитуриентлар ўтган йилгидек мутахассислик блокадан мавжуд 2 та фанга қараб эмас, балки уларнинг биринчи ёки иккинчи фанлигини ҳам ҳисобга олиб 5 та ОТМни танлайди.

3. Барча тест топширувчилар учун мажбурий бўлган 3 та фан – математика, она тили ва Ўзбекистон тарихи бўйича 10 тадан жами 30 та савол тушади ва уларга 1,1 баллдан берилади (2021 йили мажбурий блок учун 2,1 баллдан берилган).

Мажбурий блокдан жами тўплаш мумкин бўлган балл – 33 балл. Бакалаврият таълим йўналишига мос бўлган 2 та фан бўйича эса жами 60 та савол берилади. Биринчи фандан тўплаш мумкин бўлган максимал балл – 93 балл, иккинчи фандан тўплаш мумкин бўлган максимал балл эса 63 балл.

Умумий ҳолда, 2022-2023 ўқув йили қабулида абитуриентларга 5 та фан бўйича жами 90 та тест топшириги берилади. Бунда тўплаш мумкин бўлган максимал балл – 189 балли ташкил этади.

4. Бу йил кириш имтиҳонларида абитуриентларга тестларни ишлаш учун 3 соат вақт берилади. Вазирлар Маҳкамасининг тест топшириқларини ўтказишга оид 261-сонли низомида 30 та савол учун бир соат вақт берилиши ёзилган. Демак, 90 та саволга 3 соат вақт берилади.

5. Бу йил кириш имтиҳонларида абитуриентларга тестларни ишлаш учун 3 соат вақт берилади. Вазирлар Маҳкамасининг тест топшириқларини ўтказишга оид 261-сонли низомида 30 та савол учун бир соат вақт берилиши ёзилган. Демак, 90 та саволга 3 соат вақт берилади.

6. Баъзи йўналишларда имтиҳон олинмайдиган фанлар ўзгарган. Давлат ОТМларида таълим йўналишлари сони – 461 та, шундан 7 фоизидида 2 та фаннинг ўрни ўзгарган.

7. Мактаб ёки коллеж, лицейни бир йил аввал тугатган абитуриентларнинг барчаси кириш имтиҳонларида қатнашиш учун пул тўлайди. Бу йилдан бошлаб кириш имтиҳонлари учун тўлов ундирилмайдиган абитуриентлар топмасига:

– «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар ва уларнинг фарзандлари;

– «Ёшлар дафтри»да рўйхатда турувчи ёшлар ҳам киритилди.

Бунгача озод қилинганлар рўйхатида ногиронлиги бўлган шахслар ва меҳрибонлик уйлари болалари, болалар шахарчасининг битирувчилари бор эди.

Эълон

Тошкент банк коллежи томонидан 2015 йилда Ортиқов Комил Қобил ўғли номига берилган К № 4048743 (руйхат рақами 778) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари жамоаси таҳририятда самарали фаолият юритган журналист Абдор Имомхўжаевга падари бузрукворни, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббиси **Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бурун — Халқаро болаларни хилоя қилиши кунли

Мамлакатимизда кейинги йилларда болалар манфаатларини таъминлашга, уларнинг таълим олиши, соғлом ўсиб-ўлғайишига эътибор янада ошди. Эртаминг эгалари камолоти йўлида олиб борилаётган бундай ишларга ҳатто хорижлик эксперт ва мутахассислар ҳам юксак баҳо беришмоқда.

Вилоятимизда ҳам сана муносабати билан болажонларни хурсанд қилиш мақсадида кўплаб тадбирлар, махсус томошалар, сайиллар уюштирилмоқда.

Шунингдек, байрам арафасида жойлардан янги мактабгача таълим муассасалари очилаётгани ҳақида хабарлар келмоқда.

Жумладан, Пискент туманининг "Файзобод" маҳалласида янги мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Бюджет 3-7 ёшдаги болаларнинг 120 нафарини қабул қилишга тай-

ёр. Замонавий, шинам ва ёруғ бинода болалар таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар яратилган.

Чиноз туманида бир йўла 4 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти иш бошлади. Очилиш маросимида вилоят мактабгача таълим бошқармаси ва туман мутасаддилари ҳамда ота-оналар иштирок этишди. Айниқса, ясабил олган болалар жуда қувонишди.

Зангиота туманининг "Намуна" маҳалласида 120 ўринли "Нурли ҳаёт" номли 35-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Ангрен шаҳрининг "Эски Жигаристон" маҳалласида очилган 120 ўринли 17-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳам болажонлар байрамига муносиб тўхфа бўлди.

Ангрен шаҳрининг "Эски Жигаристон" маҳалласида очилган 120 ўринли 17-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳам болажонлар байрамига муносиб тўхфа бўлди.

Ангрен шаҳрининг "Эски Жигаристон" маҳалласида очилган 120 ўринли 17-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳам болажонлар байрамига муносиб тўхфа бўлди.

Вилоятдаги 212 минг 851 нафар мактабгача ёшдаги болаларнинг 147 минг 965 нафари ёки 70 фоизи мактабгача таълимга қамраб олинган.

Айни пайтда вилоятимизда 498 та давлат, 26 та ташкилотга қарашли, 116 та хусусий, 38 та давлат-хусусий шериклиги асосида, 941 та оилавий нодавлат, жами 1 минг 619 та мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган.

Вилоятдаги 212 минг 851 нафар мактабгача ёшдаги болаларнинг 147 минг 965 нафари ёки 70 фоизи мактабгача таълимга қамраб олинган.



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Salom SAMADOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Ra'no TURDIBOYEVA

Sergey MUTIN

Zarifa ERALIYEVA

Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxonasi:

(71) 233-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(71) 233-70-10

Mas'ul kotib:

(71) 233-90-82

Bo'lim muharrirlari:

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(71) 233-54-10

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 21.30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-535.

4 058 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:

11500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,

Matbuotchilar ko'chasi, 32.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Фестивалга мархабо!

ҲАЙРАТ ВА ҲИКМАТ ЧОРРАҲАСИ

Ташкент воҳасининг Оҳангарон дарёси ҳавзаси бўйлаб бир вақтлар қадимий Илоқ давлати бўлганлиги ҳақида эшитганмисиз?



Давлатчилигимиз асрий илдизларининг яқол ифодаси бўлган бу қадимий маданият ошени ўзининг бой қонлари билан бутун Шарқда машҳур бўлган. Бу ҳудудда миллий ҳунармандчилик, боғдорчилик кенг ривожланиб, Буюк Ипақ йўли маданиятида алоҳида ўрин тутган.

Бу бебаҳо тарихий халқимизга, бугуннинг ёшларига етказиш мақсадида анъанавий "Илоқ" этнографик фестивали ўтказилади.

Вилоят туризм ва маданий мерос бosh бошқармаси, вилоят маданият бошқармаси, Оҳангарон тумани ҳокимлиги, Ўзбек миллий кўтирчоқ театри, "ZOOM-Projekt" журнали ҳамкорлигида, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонднинг ғояси билан бешинчи марта ўтказилиши кутилаётган "Илоқ" этнографик фестивалига барчангизни тақлиф этамиз.

Мазкур фестиваль қадимий Илоқ давлатининг тарихий урф-одатлари, одамларнинг яшаш тарзи, маданиятидан дарак бериб, унда фольклор ансамбллари, дорбозларнинг чиқишлари, театр усталарининг бадиий маҳоратлари намойиш этилади. Концерт дастурлари, қолаверса, гастро, этно, спорт туризми имкониятларидан фестивал меймонлари баҳраманд бўладилар.

Фестивал 2022 йил 3 июнь кунли соат 10:00 да Оҳангарон туманининг Ургурсой қишлоғида ўтказилади.



Эслаб, эслаб

Ўзбек таржима ва дубляж санъати ҳамда маҳорати ҳақида гап кетганда кўз ўнгимга "Иван Васильевич касбини ўзгартиради" фильми келади. Ҳозир фильм дубляжида иштирок этган бетақдор санъат усталарининг маҳорати ҳақида эмас, мазкур фильм таржимаси хусусида икки оғиз гап айтмоқчимиз.

Ушбу комедиани ўзбек тилига истеъдодли таржимон Мирзиёд Мирзодов ўпирган.

Бадиий фильм воқеалари ўтмиш ва замон қаҳрамонлари ҳаётида уйғунлашган. Шу боис XVI аср одамнинг тили билан XX аср кишининг сўзлашувидаги сўз бирикмалари, услуб, иборалар, энг муҳими, ҳар бир қаҳрамоннинг характериға мос тил ўзбекчага қойилмақом қилиб таржима қилинган. Таржимон ўзбек тилининг ўзига хос жозибасини бутун буй-басти билан кўрсатишни уддалаган.

Баъзи бир мисолларға мурожаат қилсак.

Шоҳ Иван Васильевич режиссёр Якин билан мулоқотда шундай дейди:

— Как же тебя понять, коль ты ничего не говоришь?

Бир қарашда "Сени қандай тушунас бўлади, ахир ҳеч нарса демаясанку", дегандек гап бу. Аммо таржиманинг зўрлигини қаранг:

— Ахир одамеа ўшбаб сўзласане тушунман-да...

Нақадар ўзбекона ва ўша вазиятта узукка кўз қўйгандек тушган ибора.

Балконда эри Буншани (аслида шоҳ Иван Васильевични) кўриб қолган кўшни хотин гапини "Здрасьте, пожа-

луйста", деб гап бошлайди. Энди бу гапнинг таржимасини эшитинг: "Вой, туркинедан оғур-эй..."

Яна бир машҳур эпизодда Шурикиннинг таннос актёр хотини подшоға:

— Вы очень темпераментный, — деб эрқаланади.

Бу гапнинг таржимаси эса қаҳрамон характери ва ҳаёт тарзига мос ҳолда:

— Сиз анчайин шўх одамеа ўхшайсиз, — деб ўпирилган.

Режиссёр Якин билан актёр хотин ўртасидаги диалогда шоҳ Борис роли устида гап кетганда, парда ортдан Иван Васильевич шитоб билан чиқиб ҳақиқий Борис шоҳ ҳақида шундай дейди:

— Так он, лукавый, презлым заплапил за предобрейшее? Сам захотел царствовать и всем владеть? Повинен смерди!

Албатта, бу ерда қаҳрамон XVI асрга хос тилда сўзламоқда. Энди таржи-

ма — Оставь меня старушка я в печали, — дейди.

Ўзбекчасини қаранг энди:

— Мени ўз ҳолимга қўй кампир, ҳозир ўзимнинг дилим сиёҳ!

"Печаль", "Печально" сўзларининг луғатлардаги биринчи маънолари сифатида қайғу, ҳасрат, ғам-ғусса, андух, маъюс, хафа сўзлари берилган. Хўш, таржимон нега "дилим сиёҳ" сўзини танлаган? Эҳтимол, мутаржим энг аввало, хўш, бу гапни ким айт-

Ва фильм таржимони битта шу халқона гап билан ўғрини "ўзбек"ка айлантиради-қўяди.

Давом этамиз. Лифтда "зиндон-банд" этилган шоҳ нажот излаб чўкинади ва шу пайт иттифоқо лифт эшикларини очилади ва у дейдики:

— Вот что крест животворящий делает!

Келинг энди ушбу жумлани сўзма-сўз таржима қилайлик: "Мана тирилтирувчи хоч нималар қилмайди?!"



"Вой, туркинедан оғур-ей?"

ёхуд ҳақиқий таржима ва дубляж санъатимиздан бир шингил

манинг равонлигини бир кўринг-а:

— Догули, унинг қилмиши бадкирдорликдан иборат эди, ўзи подшолик қилиб, ҳамма нарсаға эга чиқмоқчи бўлди. Бу қилмиши учун ўлимеа маҳкум!

Энди ҳар ким ўз тилида ва жамиятда тутган мақомиға мос тарзда гапириши лозим, деган талабға ҳам бир мисол кўрсак.

Кўшни хотин шоҳ Иван Васильевични эри Бунша деб ўйлаб, зуғум қилиб турган жойида подшо:

моқда, деган саволни ўз-ўзига берган бўлиши мумкин. Чунки, барчаға ҳукми ўтадиган ҳукмдор қайғуга ботиб, ҳасрат чекиб ўтирмайди-да. Унинг фақат дили сиёҳ бўлиши мумкин. Ажаб зарғарона топилма!

Тиш доктори Шлапкиннинг мол-дунёға бой хонадонига кирган ўғри Милославский:

— Это я удачно зашел, — дейди.

Хўш, айна ҳолатда ўғри ўзбек бўлганида нима дерди?

— Жуда жойиға тушибман! — дерди.

Энди таржимоннинг маҳоратиға диққат қилинг:

— Иймону ишончине хосияти шул эрур!..

Хуллас, бугун таржима қилинаётган хориж фильмларининг қуруқ, ўзбекча истилохлардан холи ва қашшоқ тилдан тўйиб кетган томошабин шунинг учун ҳам ҳали-ҳануз "Иван Васильевич касбини ўзгартиради" сингари фильмларни мароқ билан кўриб, соғиниб эсласа керак.

Жалолиддин САФОЕВ